

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК
РИВОЖЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

АДИЛОВ САНЖАР АНВАРОВИЧ

**ҚОРАМОЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Адилов Санжар Анварович Қорамолчилик тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллиштириш.....	3
Адилов Санжар Анварович Совершенствование экономических основ развития отрасли скотоводства	27
Adilov Sanjar Anvarovich Improvement of the economic basis for the development of the livestock industry.....	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	57

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК
РИВОЖЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

АДИЛОВ САНЖАР АНВАРОВИЧ

**ҚОРАМОЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Iqt408 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гулямов Саидасрор Саидахмедович,
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Кўччиев Улуғбек Мирзамашрабович,
иқтисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Норбоев Шарофиддин Кенгешович,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2025 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.С.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўплаб ҳудудларида глобал иқлим ўзгариши туфайли сув танқислигининг юз бериши, деградия туфайли қишлоқ хўжалиги ерларининг муомаладан чиқиб кетиши, табиий-иқлим шароити ноқулай минтақалар давлатларида аҳоли сонининг тез ортиб бориши ҳам глобал, ҳам локал миқёсда озиқ-овқат таъминотига боғлиқ муаммоларни юзага келтирмоқда. Тадқиқотлар кўрсатишича, бугунги кунда “дунёда озиқ-овқат етишмаслигидан 1 миллиарддан ортиқ аҳоли очарчиликдан қийналаётган бир пайтда, 1,6 миллиарддан зиёд инсонлар кўп овқат истеъмол қилиш ҳисобига ортиқча вазнга хос турли касалликлардан азият чекмоқда”¹. Инсонлар соғлом турмуш тарзининг шаклланишида, маълумки, овқатланиш маданияти ва организм учун тиббий меъёрда зарур озиқ-овқат турлари билан таъминланиши алоҳида роль ўйнайди. Шу боис, бугунги кунда аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва бу жараёнда уларнинг экологик соф органик турларини кўпайтириш масалаларига устувор даражада эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳа келажакда қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва қўшимча даромад олиш каби ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш нуқтаи-назардан муҳим аҳамият касб этади. Зотан, жаҳон қишлоқ хўжалигида гўшт ва сут ишлаб чиқаришни миқдор ва сифат жиҳатдан барқарор таъминлаш, аҳолининг ушбу маҳсулот турларига бўлган талабининг ўсиш тенденцияси ўз навбатида соҳага инновацион, айниқса, органик тоза маҳсулотлар етиштириш имкониятларини яратувчи “яшил” технологияларни татбиқ этиш, юқори механизациялашган ва қўл меҳнатини камайтиришга асосланган йирик чорвачилик мажмуаларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари ва марказларида, жумладан, қорамолчиликни барқарор ривожлантириш, органик гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, инновациялар жорий этиш асосида селекцион-генетик илмий изланишларни такомиллаштириш каби вазифаларни ҳал этиш орқали соҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишларида кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, иқлим стрессига чидамли ва касалликларга қарши кучли иммунитетли қорамол зотларини яратиш, чорва моллари касалликларининг эпидемиологик ҳолатини назорат қилиш ва олдини олиш бўйича халқаро стандартлар ишлаб чиқиш, органик материаллар (ўсимликлар, чорва моллари чиқиндилари ва ҳ.к.)ларни қайта ишлаш ва иккиламчи фойдаланиш асосида экин ерлари унумдорлигини ошириш, деградияга учраган ўтлоқларни тиклаш усулини такомиллаштириш, хўжаликларнинг етиштирган гўшт-сут маҳсулотларини бозор ва бошқа савдо шохобчаларида сотишни марказлашган ҳолда йирик ҳажмда ва юқори сифатда ташкил этиш, рақобатбардошлигини таъминлашга ихтисослашган кооператив модель ва типларини жорий этиш, рақамли дастурий технологиялар асосида ҳар бир қорамолнинг авлоди, соғлиғи, жинси ва ёшига мос рационлар яратиш ва мониторингини юритиш каби тадқиқот йўналишлари шулар жумласидандир.

¹ Продовольственная проблема. http://www.ru.planetaryproject.com/global_problems/food/.

Аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган озиқ-овқат турлари таркибида чорвачилик маҳсулотлари муҳим ўринга эга, чунки, улар бошқа маҳсулотларга нисбатан алмаштириб бўлмайдиган оқсил ва витаминларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу боис, айти пайтда республикамизда етиштирилаётган сут ва қайта ишланган сут маҳсулотларининг 97-98 фоизи ва гўштнинг 83 фоизидан ортиғи айнан қорамолчилик тармоғи ҳиссасига тўғри келади. Республикамизда олиб борилган ташкилий-таркибий ва иқтисодий-ижтимоий ислохотлар натижасида чорвачилик соҳасида хусусий мулк ва мулкчилик муносабатларига асосланган хўжалик шакллари ташкил этилди ва ривожланди. Ҳозирги пайтда гўшт ва сутнинг 93-95 фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштирилмоқда. Аммо, ҳажми кичик ва сон жиҳатдан кўп фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларида чорва молларини илмий асосда боқиш, маҳсулотларни етиштиришни самарали ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бунинг натижасида сўнгги йилларда гўшт танқислиги кузатилиб, унинг бозор баҳоси ўсиш тенденцияси сақланиб қолмоқда. Натижада ички бозорда музлатилган ва янги сўйилган гўшт маҳсулотлари импорти кескин ортди. Мисол учун, "... фақатгина 2020 йилнинг 9 ойида гўшт импорти 2 марта ортиб, 3875 тоннадан (12,4 млн \$) 8354 тоннага, бир тонна импорт қилинган мол гўшти нархи эса 3217 доллардан 3324 долларга кўтарилган"². Шу нуқтаи-назардан, қорамолчиликда бозор механизмларини жорий қилиш асосида соҳани барқарор ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон фармонлари, 2021 йил 9 февралдаги ПҚ-4984-сон “Қорақўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 26 апрелдаги ПҚ-224-сон “Республикада гўшт, жун ва сут йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-120-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

² Откуда Узбекистан завозит мясо и скот, в каком объёме и по какой цене. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/11/02/meat-import/>.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш, соҳада кооперация ва интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, сут-гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизимига инвестициялар жалб этиш ва инновацион технологияларга асосланган чорвачилик мажмуаларини ташкил қилиш масалалари А.Т.Мысик, В.В.Ляшенко, Л.Андриянова, Ф.Амерсдоффер, А.Байчерова, Л.Г.Горковенко, А.М.Жебит, Я.Путенко³ каби хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистон шароитида соҳани ривожлантириш масалаларига Н.Хушматов, У.Кўччиев, А.Юлдашев, А.Абруев, С.Абдуллаева, У.Садуллаев⁴ каби бошқа олимларнинг бағишланган илмий ишлари эътиборга молик. Аммо, чорвачилик тармоғини ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш борасида сўнгги йилларда қабул қилинган Республика Президенти Фармон ва Қарорлари, ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, чорвачилик маҳсулотларига нисбатан бозорда шаклландиган талаб-таклиф ва нархлар бўйича замонавий маркетинг тамойилларидан кенг фойдаланиш, чорва маҳсулотлари экспорти ва импорти тизимини бозор талабларига мос барқарор ривожлантириш борасида илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти ушбу диссертация мавзусининг танланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорамолчилик тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қорамолчилик маҳсулотларини етиштирувчи тадбиркорлик хўжалик юритиш субъектлари фаолиятларини ривожлантириш ва мувофиқлаштиришнинг илмий асосларини тадқиқ қилиш;

³ Мысик А.Т. Животноводство стран мира. // Зоотехния. – 2005. – № 1. – С. 2-7.; Ляшенко В.В., Жебит А.М. Индекс себестоимости производства сырого молока (RMSI) как инструмент снижения волатильности рынка молока. Международный сельскохозяйственный журнал. – 2017. – № 5. – С. 60-61.; Горковенко Л.Г. Состояние и перспективы совершенствования молочного скотоводства. // “Переработка молока”. – 2018. – № 5.; Путенко Я. Экологическое молоко. http://www.novostioede.ru/article/ekologicheskoe_moloko_teryaet_popul.; Амерсдоффер Ф. Прямая и косвенная господдержка молочного производства в Германии. // Международный сельскохозяйственный журнал. – 2015. – № 1. – С. 51-55.; Андриянова Л. Экономическая эффективность зооветеринарных мероприятий в молочном скотоводстве Ярославской области: дис...к.э.н., 2007 г. <http://dissertation.com.ua/node/102688.>; Байчерова А. Экономическая эффективность функционирования ветеринарной инфраструктуры. АПК.: авт. ... дисс. к.э.н.. Ставрополь. – 2014 г.

⁴ Хушматов Н.С. Дехқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш: дис. ... и.ф.н. – Т., 1994. – 22 б.; Куччиев У.М. Чорвачилик тармоғида ривожланган давлатлар тажрибаси // Biznes-Эксперт. – 2018. – № 5. – Б. 57-59.; Юлдашев А.Х. Дехқон хўжаликларида чорвачилик. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – 2001. – № 5. Б. 27-28.; Абруев А.И. Агросервисни ривожлантириш асосида қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш: дис. ... и.ф.н. – Т.; 2018. – Б. 50-70.; Абдуллаева С. Чорвачилик тармоғининг ривожланиш йўналишлари. // Иқтисодиёт ва таълим. – 2011. – № 6. – Б. 82-85.; Садуллаев У.Н. Гўшт етиштириш тизимини модернизациялашни рағбатлантириш йўллари: дис. ... и.ф.н. – Т., 2020. – Б. 13-150.

қорамолчилик маҳсулотлари бозорида талаб ва таклиф ҳамда нархларнинг шаклланиши ва ўзгаришининг хўжалик субъектлари фаолияти самарадорлигига таъсир этиш йўналишлари ва иқтисодий жиҳатларини ёритиш;

турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш субъектлари фаолиятида қорамолчилик маҳсулотларини етиштириш тенденцияларини таҳлил қилиш ва хулосалар тайёрлаш;

чорвачилик соҳаси озуқа таъминоти тизимининг ҳозирги ҳолати ва унинг чорва маҳсулотлари етиштириш самарадорлигига таъсирини баҳолаш;

қорамолчилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш тизимини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва унинг муҳим ютуқларини республика шароитида қўллаш йўлларини умумлаштириш;

қорамолчилик соҳаси тадбиркорлик субъектларида замонавий маркетинг тизимини татбиқ этиш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

қорамолчилик маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликларга сервис хизматлар кўрсатиш тизимини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш йўллари бўйича амалий тавсиялар тайёрлаш;

қорамолчилик маҳсулотларини етиштирувчи тадбиркорлик хўжалик юритиш субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналиш ва механизмлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қорамолчилик тармоғи ва маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи турли тоифадаги тадбиркорлик субъектлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини қорамолчилик маҳсулотларини етиштирувчи ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бошқа субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш, конструктив ҳисоб-китоб, эксперт баҳолаш, монографик кузатиш ва бошқа иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

қорамолчилик маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш натижасида олинган истеъмол товарлари бозорининг чорвачилик соҳаси билан боғлиқ йўналиш ва омиллари гуруҳланиб, уларнинг деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолияти самарадорлигига таъсир даражасини “ялпи даромад” ва “моддий харажатлар” кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда табақали баҳолашга оид услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

қорамолчилик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат миқёсида ва маҳаллалар кесимида мувофиқлаштириш йўналишлари тизимлаштирилган ва қорамолчилик соҳасини ривожлантиришга кучли таъсир этувчи “иқтисодий йўналиш”, “ташкилий йўналиш” ва “ҳуқуқий йўналиш”ларга тегишли базис (“basis”) кўрсаткичлари орқали давлат томонидан мувофиқлаштириш йўллари асосланган;

гўшт-сут маҳсулотларини сотиш тизимида йирик ва майда товар ишлаб чиқарувчи хўжаликлар учун бир хил қулай шароитлар яратиш ва инфратузилма объектлари етишмаслигини бартараф этиш мақсадида ушбу маҳсулотларни

истеъмолчиларга етказиш тизимида кичик интегратор (КИ) ва ишлаб чиқариш-савдо гуруҳлари (ИЧСГ) фаолиятига асосланган муқобил савдо субъектларини ташкил қилиш илмий-амалий асосланган ҳамда ҳудудий ИЧСГ фаолиятининг таркибий-ташкилий тузилмаси ва иқтисодий механизми ишлаб чиқилган;

яқин келажакда деҳқон ва томорқа хўжаликларида чорвачилик тармоғини тижорат асосида йўлга қўйиш, мавжуд яйловлар деградацияси олдини олиш ва қорамолчилик маҳсулотларини сотиш тизимини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни 80-85 фоизга ҳал қилиш имконини берувчи “иқтисодий барқарорлик учбурчаги” ишлаб чиқилган ҳамда қорамолчилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий ривожланган ва ривожланиш босқичига кираётган давлатларда чорвачилик соҳасини бошқариш ва мувофиқлаштириш бўйича аҳамиятга молик тажрибалари умумлаштирилган ҳамда улардан республикамиз қорамолчилик соҳасида фойдаланиш йўналишлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

майда товар хўжаликларида етиштирилган сут ва гўшт маҳсулотларини истеъмолчиларга сифатли ва ўз муддатида етказишни таъминлаш мақсадида рақамли технологиялар ва маркетингга асосланган муқобил субъектлар ҳамда улар фаолиятида ишлаш малака ва тажрибасига эга кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун кўчма курслар ташкил этиш лозимлиги асосланган;

давлат томонидан қорамолчилик соҳасини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ва татбиқ этиш йўналишлари тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг чорвачилик соҳасини ривожлантиришга оид илмий қарашларини қиёсий ва ижодий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида фойдаланилган услубий ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, статистик маълумотларнинг расмий манбалардан ва монографик кузатув натижаларидан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти қорамолчилик маҳсулотларига бўлган бозор таклифини аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини бозор талабига мослаштириш ва рағбатлантириш, маҳсулот (товар)лар нархларини бозордаги талаб ва таклиф асосида шакллантириш, унга таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш, қорамолчилик тармоғини барқарор ривожлантириш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларини инновацион ташкил этиш каби муаммоларга боғлиқ илмий қарашлар ва услубий ёндашишларни такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятлари билан белгиланади.

Амалий жиҳатдан деҳқон бозорларида сут ва гўшт маҳсулотлари савдоси, яъни харидор ва сотувчига транспорт тўхтайдиган жойлар яратиш, маҳсулотни вақтинча сақловчи ёки қисқа муддатли совитиш шароитига эга объектлар куриш ҳисобига сутнинг товарлилик даражасини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда, шунингдек, илмий-амалий тавсиялардан ҳудудлар кесимида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан мақсадли дастурлар ва чора-тадбирлар

ишлаб чиқиш ҳамда тармоқ олий таълим муассасаларида тегишли фанлар бўйича таълим жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорамолчилик тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

оилавий асосда фаолият юритувчи (деҳқон ва томорқа) хўжаликлар фаолияти иқтисодий самарадорлигини баҳолаш борасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда “Ялпи даромад кўрсаткичи асосида” ва “Моддий харажатга нисбатан” каби муқобил кўрсаткичлар тизими Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий Маркази тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий Марказининг 2024 йил 19 апрель 05/01-05/02-05/04-04-143-сон маълумотномаси). Ушбу услубий ёндашувнинг амалиётга жорий этилиши оилавий асосда фаолият юритувчи хўжаликлар фаолиятига баҳо бериш имконини беради;

давлат томонидан қорамолчилик соҳаси ривожини мувофиқлаштиришдаги кучли таъсир этувчи “Иқтисодий йўналишдаги”, “Ташкилий йўналишдаги” ва “Ҳуқуқий йўналишдаги муҳим базислар (“basis”) тизими Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий Маркази тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий Марказининг 2024 йил 19 апрель 05/01-05/02-05/04-04-143-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилиш натижасида қорамолчилик маҳсулотини етиш-тирувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат миқёсида ҳамда маҳалла кесимида бажариладиган вазифаларни мувофиқлаштириш имконияти яратилади;

сут ва гўшт савдоси тизимида йирик субъектлар билан бирга кичик ҳажмли хўжаликлар фаолиятига мос инфратузилма объектлари етишмаслигини бар-тараф этишга қаратилган сут ва гўшт маҳсулотларини истеъмолчига етказишда кичик интегратор (КИ) ва ишлаб чиқариш-савдо гуруҳлари (ИЧС) фаолиятига асосланган муқобил савдо вариантлари бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий Маркази тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий Марказининг 2024 йил 19 апрель 05/01-05/02-05/04-04-143-сон маълумотномаси). Натижада, сут ва гўшт маҳсулотларини сотиш тизимида сарфланган харажатлар қайтимини 20-25 фоиз ошириш имконини беради;

оилавий чорвачилик хўжаликларини ривожлантиришнинг “иқтисодий барқарорлик учбурчаги” ҳамда қорамолчилик тармоғини давлат томонидан рағбатлантириш йўналишлари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий Маркази тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий Марказининг 2024 йил 19 апрель 05/01-05/02-05/04-04-143-сон маълумотномаси). Натижада, яйловлар

деградациясининг олдини олиш, маҳсулотларни сотиш тизимини ривожлантириш асосида мавжуд муаммоларни 80-85 фоизга ҳал қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 5 та ва хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ўз ичига 20 та таҳлилий жадваллар ва 13 та расмни олган ҳолда 131 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ўрин олган.

Диссертация ишининг **“Қорамолчилик соҳасида бозор механизмларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қорамолчилик маҳсулотлари бозорларининг ўзига хос хусусиятлари, қонуният ва механизмлари ҳамда қорамолчилик соҳасини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари атрофлича ёритилган.

Таъкидлаш жоизки, глобал иқлим ўзгариши ва табиий, яъни ер-сув ресурсларининг камайиш ҳамда дунё миқёсида аҳоли сонининг ўсиш тенденцияси шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон бозорлари сегментларида муайян маҳсулот тури бўйича юқори мавқега эга бўлиш, энг муҳими, аҳолини қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулот (товар)лари ва иқтисодиётнинг бошқа моддий тармоқларини хомашё билан таъминлаш ҳар бир мамлакат олдидаги барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришиш борасида стратегик вазифалардан бирига айланмоқда. Шу боис, диссертацияда ушбу муҳим йўналишларга боғлиқ илмий-назарий қарашлар ва услубий-амалий ёндашишларни тадқиқ этишга асосий эътибор қаратилди.

Бугунги кунда озиқ-овқат таъминоти масаласи мураккаблашиб бораётган бир пайтда, жумладан, республикамиз аҳолисининг кунлик озиқ-овқат истеъмолида асосий ўринга эга гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш ҳажми ва сифатини ошириш, чорвачилик маҳсулотларининг бозор баҳосини барқарорлаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан ёндашганда, мамлакат миқёсида гўштнинг 75 фоизидан ортиғи ва сут маҳсулотларининг деярли ҳаммасини ишлаб чиқараётган қорамолчилик тармоғини ривожлантириш ва хўжаликларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишларига устувор даражада эътибор қаратиш нафақат иқтисодий, балки, ижтимоий нуқтаи-назардан аҳолини ушбу маҳсулот турлари билан тиббий меъёрда таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлиллар кўрсатишича, сўнгги 10-15 йилда мамлакатда қорамоллар бош сони ва маҳсулот етиштириш ҳажми ўсмоқда. Аммо, шу билан бирга, соғин сигирлар маҳсулдорлиги, сут етиштириш самарадорлиги ва соҳани инвестицион жозибдорлигининг пастлиги, айниқса, қайта ишлаш корхоналари фаолиятига замонавий техник воситалар ва технологиялар жорий қилиш учун инвестициялар йўналтиришга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Бу ва бошқа муаммолар ечими истиқболда мазкур тармоқ ривожланишида муҳим ўринга эга бўлиб, ҳозирда эса инвестициялар йирик чорвачилик мажмуаларини барпо этишга эмас, балки асосан сут ва гўшт маҳсулотларини етиштириш учун майда товар деҳқон ва томорқа хўжаликларига йўналтирилмоқда. Бироқ, маълумки, қорамоллар зотларини яхшилаш, уларни илмий асосланган рационлар асосида боқиш, зарур озуқа турлари билан таъминлаш, замонавий технологиялар татбиқ этиш, сут ва гўшт маҳсулотларини сифатли сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тадбирларини амалга ошириш учун мазкур хўжаликларда барча имкониятлар, айниқса, молия маблағлари мавжуд эмас. Бу ҳолат, ўз навбатида, қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш ва интенсиф ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконини чеклайди.

Шунингдек, қорамолчилик ривожланган ҳудудлардаги деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштирилаётган сут ва гўшт маҳсулотларининг товарлилик даражаси паст бўлиб, бу уларнинг бозор баҳоси барқарорлигига салбий таъсир қилади. Шу сабабларга кўра, бизнингча, сут ва гўшт маҳсулотлари бозорини ривожлантириш учун қорамолчилик хўжаликларининг фаолияти билан боғлиқ ўзига хос хусусият ва шароитларни қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

– гўшт ва сут маҳсулотларини етиштирувчи фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланса-да, бироқ уларни техник воситалар, омехта ем ва бошқа ресурслар билан таъминлаш тизимидаги монополия ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир қилади;

– қорамолчилик маҳсулотларини асосий қисмининг деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштирилиши товар маҳсулотлар салмоғини пасайтиради;

– деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳамда улар етиштирган маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, истеъмолчига етказиш, ресурс таъминоти ва сервис хизмат кўрсатиш тизими субъектлари ўртасидаги муносабатлар улар манфаатларининг ўзаро мутаносиблигини таъминламайди;

– гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўп сонли майда товар деҳқон ва томорқа хўжаликлари зиммасида эканлиги бозор ва харидорлар талабларига мос келадиган қайта ишланган, қадоқланган ва санитария-гигиена қоидаларига жавоб берадиган экспортбоб сифатли товарлар улушини камайтиради.

Шу боис, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини турли хўжаликлар, масалан, фермер хўжаликлари, МЧЖлар, деҳқон ва томорқа хўжаликлари кесимида баҳолаш, унинг натижаларига асосан тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни мазкур субъектлар фаолиятига жорий этиш йўллари белгилаб бериш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, улар фаолияти иқтисодий самарадорлигининг қиймат ва натурал кўрсаткичларидаги мавжуд

фарқларни ҳисобга олган ҳолда келгусида ҳал этилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш имконияти яратилади (1-жадвал).

1-жадвал.

Қорамолчилик маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни қўллаш тизими⁵

Кўрсаткичлар	Умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизими	Фермер хўжалиги, МЧЖлар	Дехқон ва томорқа хўжалиги	Муқобил кўрсаткич тавсия қилинади*
Қиймат кўрсаткичлари	- бир шартли мол бош сони ҳисобидан олинган маҳсулот, (сўм)	+	+	-
	- бир шартли мол бош сони ҳисобидан олинган фойда, (сўм)	+	йўқ	<i>“Ялпи даромад кўрсаткичи асосида”</i>
	- етиштирилган маҳсулот таннарни, (кг/сўм)	+	йўқ	<i>“Моддий харажатга нисбатан”</i>
	- сотилган маҳсулот бирлиги ҳисобига олинган, соф фойда (сўм)	+	йўқ	<i>“Ялпи даромад кўрсаткичи асосида”</i>
	- маҳсулот рентабеллиги, (%)	+	йўқ	<i>“Моддий харажатга нисбатан”</i>
Натурал кўрсаткичлари	- 1 шартли мол бошидан олинган маҳсулот, (тирик вазн) (ц)	+	+	-
	- сигирлар маҳсулдорлиги, (ц)	+	+	-
	- 1 ц. озуқа бирлиги сарфи ҳисобига етиштирилган маҳсулот, (ц)	+	+	-
	- 100 бош сигир ҳисобига бузоқ олиш, (бош)	+	+	-
	- 1 ишчи ҳисобига етиштирилган маҳсулот, (ц)	+	+	-
	- сутнинг ёғлилик даражаси, (%)	+	+	-

Бироқ, маълумки, бугунги кунда айнан деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолияти самарадорлигини аниқ баҳолаш учун ҳозирги статистика тизимида зарур маълумотлар, айниқса, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар базаси мавжуд эмас. Шу жиҳатдан, бизнингча, ушбу хўжалик субъектларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар кесимида иқтисодий самарадорликни баҳолашдаги бўшлиқни тўлдириш лозим. Чунки, натурал кўрсаткичлар тизимида бир шартли мол боши ҳисобига тўғри келадиган маҳсулотни фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳисоблаш мумкин. Лекин, энг муҳими, яъни, “бир шартли мол боши ҳисобига тўғри келадиган соф фойда” ёки “сотилган маҳсулот бирлиги

⁵ Муаллиф томонидан тавсия қилинмоқда.

ҳисобига олинган соф фойда” кўрсаткичларини уларда ҳисоблаш имкони йўқ. Шу боис, тадқиқот жараёнида ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида деҳқон ва томорқа хўжаликларига етиштириладиган маҳсулот турлари бўйича иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ва уларни баҳолаш усуллари тавсия қилинди (2-жадвал).

2-жадвал.

Қорамолчилик маҳсулотларини етиштириш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлилни амалга ошириш хусусиятларини мувофиқлаштириш⁶

т/р	Муқобил иқтисодий кўрсаткичлар	Ҳисоблаш формуласи	Шартли белгилар ва изоҳлар
1.	бир шартли мол боши ҳисобидан олинган фойда, (сўм) (ШМ_ф).	$\text{ШМ}_\text{ф} = \frac{\text{МК} - \text{МХ}}{\text{ШМ}_\text{бс}}$	МК – маҳсулот қиймати, сўм; МХ – моддий харажатлар, сўм; ШМ_{бс} – бир шартли мол боши
2.	маҳсулот таннари, (сўм/кг) (МТ)	$\text{МТ} = \frac{\text{МХ}}{\text{МК}}$	Асос: хўжаликда маҳсулот етиштириш учун сарф қилинган моддий харажатлар
3.	сотилган маҳсулот бирлигига олинган соф фойда (сўм) (МСФ)	$\text{МСФ} = \frac{\text{МК} - \text{МХ}}{\text{СМ}_\text{к}}$	(Ялпи даромад кўрсаткичи асосида): СМ_к – сотилган маҳсулот қиймати, сўм
4.	рентабеллик, (%) (Р)	$\text{Р} = \frac{\text{МК} - \text{МХ}}{\text{МХ}} \times 100$	Асос: хўжаликда маҳсулот етиштириш учун сарф қилинган моддий харажатлар

Натурал кўрсаткичлар деҳқон ва томорқа хўжаликларига фарқ қилмасида, аммо, меҳнат унумдорлигини иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳисоблаш учун маълумотлар базаси мавжуд эмас. Шунингдек, уларда маҳсулот етиштиришга сарф қилинган иш вақтини ҳисобга олиш мураккаб ва меҳнат сарфини ягона бирликка келтиришда муаммолар юзага келади. Демак, турли хўжалик юритиш шаклларида қорамолчилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлиги бўйича амалга ошириладиган иқтисодий таҳлил барча субъектлар кесимида тегишли кўрсаткичлар асосида баҳолаш билан бирга, унинг натижаларини таққослаш орқали улар фаолиятидаги мавжуд фарқларни аниқлаш ва шунга мос равишда тегишли хулосалар чиқариш имкониятини бериши лозим. Ушбу таъкидланган ва шу каби бошқа муаммолар сабабли ҳозирги кунда республика чорвачилик тармоғида фаолият юритаётган турли мулкчилик ва тоифадаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи тўлиқ ҳал этилмаган. Шу боис, ушбу муаммони давлат даражасида ҳал этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Зеро, гўшт ва сут етиштириш кўп сонли деҳқон ва томорқа хўжаликларига амалга оширилиши, уларнинг иқтисодий аҳволи, молларни боқиш шароити ва ижтимоий жиҳатдан турли соҳа вакиллари томонидан бошқарилиши, ўз навбатида, маҳсулотларни арзон ва сифатли ишлаб чиқариш жараёнларини бозор талаби ва баҳо ўзгаришига мос тарзда кооперация ва интеграция асосида ўзаро

⁶ Муаллиф томонидан тавсия қилинмоқда.

уюшган ҳолда ташкил этиш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда давлатнинг мувофиқлаштирувчи функциясини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Шу боис, қорамолчилик соҳаси субъектлари фаолиятини давлат миқёсида ва маҳаллалар кесимида мувофиқлаштириш қуйидаги масалаларни ҳал этишни назарда тутиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- қорамолчилик соҳасида маҳсулот етиштириш ҳажми, асосий ресурслар билан таъминлаш ва маҳсулот сотиш каналларини бизнес режалаштириш, баҳо шаклланиши мониторинги (маҳаллалар кўламида) тизимини жорий этиш;

- қорамолчилик хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва маҳсулотлари ҳажми параметрларини (давлат миқёсида) белгилаш ҳамда уларни амалга оширишга мутасадди вазирлик ва идоралар вазифаларини ўзаро мувофиқлаштириш орқали маҳаллалар кесимида жорий, чораклик ва йиллик бизнес режалар, давлат миқёсида эса қисқа, ўрта ва узоқ муддатли инвестицион дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш лозим.

Қорамолчилик тармоғини давлат миқёсида ва қуйи иерархик бўғинларда мувофиқлаштириш яқин келажакда мамлакат аҳолисининг сифатли сут ва гўшт маҳсулотларига ва саноатни эса хомашёга бўлган талабини қондириш билан бирга баҳо сиёсатини такомиллаштириш ва маҳсулот (товар)лар экспортини ривожлантириш мақсадларига қаратилишини лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда чорва моллари зоти ва наслини яхшилаш, уларнинг ёши ва йўналишига мос рационлар асосида озиклантириш ва парваришлар шароитларини замонавий технологиялар асосида яхшилаш ҳамда гўшт ва сутчиликка ихтисослашган хўжаликларни қайси мулк ва тоифага мансублигидан қатъий назар йирик товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятларига эга бирлашма ва кооперативлар таркибида ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориши тавсия қилинади. Чунки, бугунги амалиётнинг гувоҳлик беришича, қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермер, деҳқон ва томорқа хўжалиklarининг фаолиятини маъмурий усуллар асосида бошқариш ва мувофиқлаштириш самара бермаяпти.

Бозор иқтисодиёти шароитида гўшт ва сут етиштириш тармоғини давлат томонидан мувофиқлаштириш фақат давлат зиммасидаги асосий вазифалар, яъни, институционал базис яратиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали маъмурий орган ва идоралар аралашувларсиз амалга оширилиши натижасида ушбу тизим иқтисодий механизм ва тармоқлараро ўзаро манфаатли муносабатлар уйғунлигини таъминлаши керак. Шу билан бирга, мувофиқлаштириш жараёни ушбу тармоқ ривожига ижобий шарт-шароит яратувчи базисларга асосланган рақамли дастурий платформалар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда “базис” (грекча “basis”) атамасига эътибор берадиган бўлсак, у асос, таянч ва фундамент деган маъноларни билдиради. Шу боис, иқтисодий базис атамасига турли манбаларда умумлашган тарзда “ижтимоий ҳодисалар асоси сифатида ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучлари мажмуидан иборат”, деб таъриф берилган⁷. Мазкур ҳолатда базислар сифатида бугунги ривожланиш босқичида соҳадаги энг долзарб муаммолар ечимларини

⁷ Базис. <https://sanstv.ru/dict/базис#:~:text=Базис.%20Толковый%20словарь.%20I%20м.>

назарда тутувчи йўналишлар эътиборга олинади ва улар талаб этиладиган базис ҳолатлар билан боғлиқ механизмлар таъсир кўрсатиш жиҳатдан объектив ва субъектив гуруҳларга бўлинади. Шу жумладан, иқтисодий йўналишдаги муҳим базислар сифатида давлат томонидан молия, кредит, солиқ, суғурта ва субсидия механизмлари орқали қорамолчилик соҳаси ва унинг таркибида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари ва уларда етиштирилаётган маҳсулотларни иқтисодий рағбатлантириш дастаклари алоҳида роль ўйнайди (1-расм).



1-расм. Қорамолчилик соҳасини ривожлантириш ва мувофиқлаштиришга таъсир этувчи энг муҳим базислар тизими⁸.

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тавсия этилмоқда.

Диссертацияда, шунингдек, келгусида қорамолчиликни ривожлантириш ва мувофиқлаштиришга хизмат қилувчи ташкилий-ҳуқуқий соҳаларга бевосита боғлиқ базислар тизими ва унинг таркибий йўналишлари асослаб берилган.

Диссертациянинг “Қорамолчилик маҳсулотларини етиштириш ва тармоқ ривожланишининг ҳозирги ҳолати” номли иккинчи бобида республика чорвачилик соҳасининг ривожланиш тенденцияси, чорва моллари бош сони ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш динамикаси статистик ва монографик маълумотлар асосида таҳлил қилиниб, соҳадаги мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этиш юзасидан тегишли хулосалар ва тавсиялар тайёрланган.

Тадқиқот ишида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, республика даражасида чорвачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган комплекс чоратadbирлар ва таркибий-ташкилий ислохотлар таъсирида, жумладан, сўнгги 14 йилда, яъни, 2010-2024 йилларда барча тоифадаги хўжаликларда қорамоллар, жумладан, соғин сигирлар, қўй ва эчкилар ҳамда паррандалар бош сони ўсиш динамикасига эга бўлган (3-жадвал).

3-жадвал.

2010–2024 йилларда республикадаги барча тоифадаги хўжаликларда чорва моллари бош сонининг ўзгариш динамикаси (минг бош)⁹

Чорва моллари турлари	2010 йил	2015 йил	2020 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	20124 й. 2010 й.га нисбатан, %
Қорамоллар	9093,7	11694,1	13597,2	13853,5	14142,4	14389,8	158,2
ш.ж. сигирлар	3763,6	4048,6	4896,7	4956,5	5046,3	5130,5	136,3
Қўй ва эчкилар	15340,5	18909,9	23002,2	23602,5	24118,3	24589,1	160,3
Паррандалар	37733,3	64356,2	92252,7	97351,5	103046,5	106588,9	282,5

Хусусан, 2020 йилда қорамолларнинг 92,8 фоизи (12233,3 минг бош) деҳқон ва томорқа хўжаликларида, 5,9 фоизи (779,9 минг бош) фермер хўжаликларида ва 1,3 фоизи (175,5 минг бош) қишлоқ хўжалик корхоналари улушига тўғри келган, 2024 йилда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 90,4; 7,5 ва 2,1фоизини ташкил этган. Таҳлиллар кўрсатишича, соғин сигирлар маҳсулдорлиги 2010–2024 йилларда республика бўйича ва хўжалик тоифалари кесимида ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини эътироф этиш лозим. Бу кўрсаткичнинг энг паст даражаси қишлоқ хўжалик корхоналари (15,7%), ўртача даражаси фермер хўжаликларида (37,7%) кузатилган, энг юқори даражаси эса деҳқон ва томорқа хўжаликларида (51,0%) хос бўлган. Республика бўйича бир бош соғин сигирдан олинган сут 2010 йилда 1475 кг ва 2024 йилда 1967,6 кг ни ташкил этиб, шу даврда 33,4 фоизга ошган (4-жадвал).

Аммо, ушбу маҳсулдорлик даражаси қорамолчилик тармоғининг сутчилик соҳасини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талабларига мос ва юқори рентабелли барқарор ривожлантириш нуқтаи-назаридан зарур инвестициялар

⁹ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

жалб этишни тақозо қилади. Мамлакат аҳолисининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун, шунингдек, қорамолчилик тармоғи озуқа базасини мустаҳкамлаш, хўжаликларга кўрсатиладиган зооветеринария хизматлари сифатини яхшилаш, қишлоқ жойларда маҳсулотларни қайта ишлаш мини технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш талаб қилинади.

4-жадвал.

Республикадаги барча тоифа хўжаликларида соғин сигирлар ўртача маҳсулдорлигининг ўзгариш динамикаси¹⁰

Йиллар	Фермер хўжаликлари			Дехқон ва томорқа хўжаликлари			Қишлоқ хўжалиги корхоналари			Республика бўйича ўртача маҳсулдорлик, кг/бош
	Сигирлар сони, минг бош	Ишлаб чиқарилган сут, минг тонна	Маҳсулдорлик, кг/бош	Сигирлар сони, минг бош	Ишлаб чиқарилган сут, минг тонна	Маҳсулдорлик, кг/бош	Сигирлар сони, минг бош	Ишлаб чиқарилган сут, минг тонна	Маҳсулдорлик, кг/бош	
2010	171,2	222,1	1297,2	3557,4	5922,2	1664,7	29,5	43,2	1463,8	1475,2
2015	187,2	308,6	1648,5	3861,9	8064,6	2088,2	35,2	58,4	1659,1	1798,6
2020	273,8	524,7	1916,4	4421,2	10386,4	2349,2	49,3	98,8	2004,1	2089,9
2022	385,1	629,6	1634,9	4482,6	10862,0	2423,1	88,8	135,6	1527,0	1861,7
2023	410,1	706,7	1723,2	4541,9	11104,7	2444,9	94,3	157,3	1668,1	1945,4
2024	436,7	740,6	1695,9	4581,1	11512,3	2513,0	112,7	190,9	1693,9	1967,6
2024 й. 2010 й.га нисбатан	2,6 марта	3,3 марта	130,7%	128,8%	194,4%	151,0%	3,8 марта	4,4 марта	115,7%	133,4%

Айниқса, концентрат озуқа етишмаслиги натижасида унинг бозор баҳоси ошиб бориши бугунги кунда, шу жумладан, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши ва таннархининг ўсиши хўжаликларнинг юқори даромад олиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Бу ҳолат аҳолида бўрдоқига қорамол боқишга бўлган иштиёқни пасайтириб, маҳаллий бозорда гўшт тақчиллигининг кучайишига, Белоруссия ва бошқа кўшни давлатлардан гўшт импорт қилишга олиб келмоқда. Бундан ташқари, тармоққа хизмат кўрсатувчи субъектларда замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар, транспорт воситалари етишмаслиги ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг чорвачилик хўжаликларидан узокда, туман марказларида жойлашганлиги ҳам чорвачилик хўжаликларида кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва сифатига салбий таъсир қилмоқда. Шу боис, бизнингча, ушбу муҳим маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита чамбарчас боғлиқ соҳани барқарор ривожлантиришда замонавий рақамли технологиялар,

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

инновацион янги хизмат турларини қўллаш ва чорвачилик хўжаликлари раҳбар ва мутахассисларига малакали маслаҳат бериш тизимини йўлга қўйиш лозим.

Демак, республикамизнинг ҳозирги шароитида гўшт ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш устувор вазифалардан бири сифатида тан олиниши ва тегишли истиқболли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Шу талаб доирасида, тадқиқот жараёнида Тошкент вилояти Янгиқўрғон тумани “Паркент мега агро” ва Паркент тумани “Акбаржон” фермер хўжаликлари мисолида гўшт етиштириш самарадорлигини таҳлил қилиш учун монографик кузатув ишлари олиб борилди (5-жадвал).

5-жадвал.

Тошкент вилояти чорвачилик фермер хўжаликларида гўшт ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичлари¹¹

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қорамол гўшти етиштириш	
			“Паркент мега агро” фермер хўжалиги	“Акбаржон” фермер хўжалиги
1.	Жами қорамоллар	бош	60	40
2.	Иш ҳақи харажатлари	минг сўм	650,5	761,0
3.	Ем-хашак харажатлари	минг сўм	4558,5	4797,3
4.	Амортизацияси ажратмаси	минг сўм	513,0	590,0
5.	Жорий таъмир	минг сўм	843,2	969,7
6.	Электр энергияси	минг сўм	94,7	108,9
7.	ЁММ	минг сўм	195,3	224,6
8.	Дори-дармон воситалари	минг сўм	190,3	218,8
9.	Бошқа харажатлар	минг сўм	935,4	965,2
10.	Жами харажатлар	минг сўм	7977,9	8632,5
11.	1 кг гўшт таннархи	сўм	78531,4	79139,1
12.	1 кг гўшт баҳоси	сўм	90150,0	92000
13.	1 кг гўшт ҳисобига олинган фойда	сўм	11618,6	12860,9
14.	Рентабеллик даражаси	фоиз	14,8	16,3

Таҳлиллар кўрсатишича, вилоят бўйича ўртача бир бош қорамол учун бир йилда 7-8 млн. сўм харажат қилинаётган бўлса, жумладан, 40 бош қорамолни парвариш қилаётган Паркент туманидаги “Акбаржон” фермер хўжалигида эса, 2024 йилда бу кўрсаткич 8,6 млн. сўмни, шундан 55,6 фоизини (4,8 млн. сўм) эса ем-хашак харажатлари ташкил этган. Умуман, жами харажатлар таркибида озуқа, жорий таъмирлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари салмоқли улушга эга бўлиб, демак, уларни камайтириш чора-тадбирларига асосий эътибор қаратиш лозим. Хулоса қилганда, хўжаликларда парваришланаётган чорва мол

¹¹ Фермер хўжаликлари маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.


бош сони ортиб бориши шароитида ушбу тадбирларни амалга ошириш, ўз навбатида, гўшт етиштириш харажатларини камайтириш ва рентабеллик даражасини ошириш орқали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва хўжаликлар даромадларини кўпайтиришга замин яратади. Шунингдек, бугунги кунда кўп сонли деҳқон ва томорқа хўжаликлари қарамоғидаги соғин сигирларни сунъий уруғлантириш мобиллигини ошириш, насли зотдор буқа уруғларини кадоқлаш ва сигирларни уруғлантириш бўйича мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш, сунъий уруғлантириш лабораторияларини замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш каби йўналишларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. Бундан ташқари, илмий тавсияларга кўра, моллар маҳсулдорлигига қараб озиклантириш меъёрлари бир шартли чорва моли учун ўртача 35-45 ц озуқа бирлигини ташкил қилишини ҳисобга олиб, деҳқон ва томорқа хўжаликлари моллари учун 30-35 ц ва наслдор моллар учун 45-50 ц озуқа бирлигига мос чорва моллари бош сонини мақбуллаштириш лозим.

Диссертациянинг **“Қорамолчилик тармоғида бозор механизмининг жорий қилишининг муҳим йўналишлари”** номли учинчи бобида соҳада маркетинг ва реклама ишларини ривожлантириш, гўшт ва сут маҳсулот (товар)ларини сотиш тизимини бозор талабларига мос равишда ташкил қилиш ва чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш йўналишлари тадқиқ этилган ҳамда илмий-услубий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

